

## Азон ва иқоматнинг тарихи



09:00 / 04.03.2023 6857

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар Маккаи Мукаррамадан ҳижрат қилиб Мадинаи Мунавварага ўрнашганларидан кейин намозни жамоат билан адо қилиш учун Масжидун Набавийни кўрдилар. Шунда барча кишилар жамоатга шерик бўла олишлари ва савобдан баҳраманд бўлишлари учун намоз вақтини билдиришнинг бирорта хос йўлини белгилашга зарурат сезилди.

Чунки биринчи ҳижрий санада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу борада маслаҳат учун халқни йиғдилар. Бир киши: «Намоз вақти учун аломат тарзда баландга байроқ кўтариш лозим. Одамларнинг нигоҳи унга тушиши билан бири иккинчисига хабар беради», деди.

Яна бир киши: «Бирор баланд жойда ўт ёқиш даркор», деди. Бошқаси эса: «Яҳудийларнинг ибодатхоналарида дуд чалганларидек, биз ҳам дуд чалсакчи?» деди.

Бошқа бир киши: «Насороларнинг зангига ўхшаш занг чалиш керак», деди. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам булардан бирортасига ўзларининг розилиklarини изҳор қилмадилар. Балки баъзи айтилган маслаҳатларни, «бу мусулмонларнинг йўли эмас», деб рад қилдилар.

Охирида Умар розияллоҳу анҳу: «Намоз вақти бўлганида бир одам маҳаллама маҳалла айланиб «Ас-солату жомиъатун» (намоз вақти бўлди) деб эълон қилсин» дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга у кишининг маслаҳатлари маъқул келиб бу вазифага Билол розияллоҳу анҳуни тайинладилар. Лекин баъзи бир сабаблар туфайли бу фикрга ўша заҳоти амал қилиш бошланмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу масалани чуқур ўйлашлари саҳобаларни ўйга чўмдирди. Ҳаммадан аввал Умар розияллоҳу анҳу азонга тегишли туш кўрдилар. Лекин нима учундир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилмадилар.

У пайтгача Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Абду Роббиҳи деган бир ансорий саҳоба азонга тааллуқли туш кўрдилар. Кўзи очилиши билан таҳажжуд вақтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зоҳирий воқеани айтиб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иншааллоҳ, бу туш рост ва Аллоҳ тарафидандир», дедилар.

Ўша вақтда саҳобалар масжидда эдилар. Уларнинг ичида Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳам бор эдилар. Лекин Ҳазрати Абдуллоҳ биринчи бўлиб айтганлари учун Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бу мажлисда ўзларининг тушларини айтишни хоҳламадилар. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу - Абдуллоҳ:

«Мендан бу фазилатни тортиб оляпти», деб ўйламасин, дедилар.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу туш кўрган вақтларида бемор эдилар. Яна у кишининг овозлари ҳам паст эди. Шунинг учун Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳга: «Бомдод вақти бўлиши билан Билол розияллоҳу анҳуни олдида туриб азон калималарини ўргатинг. У баланд

овози билан чақирсин, чунки унинг овози баланддир», дедилар. Сўнгра ҳаммалари тарқалдилар.

Бомдод вақти бўлганида Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам маслаҳатларига мувофиқ Билал розияллоҳу анҳу азон айтишни бошладилар. Кечани тинчлиги ҳамда тоғлар билан ўралган жой бўлгани учун Билал розияллоҳу анҳунинг овозлари ажойиб кайфиятни пайдо қилди. Буни уйда туриб эшитган Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ҳам шавқлари қўзиб кетди. У киши тезда ёпинчиқларига ўраниб, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келдилар ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизни ҳақ дин ила юборган Зотга қасамки, мен ҳам Абдуллоҳнинг тушига ўхшаш туш кўрган эдим», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Лекин нима учун сиз Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу тушини айтган вақтда кўрган тушингизни айтмадингиз?» дедилар. Умар розияллоҳу анҳу: «Ё Росулаллоҳ, Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу бу фазилатни мендан илгарироқ ҳосил қилди.

Шунинг учун мен сўзлагани уялдим», дедилар. Ўша кундан азоннинг бу низоми қоим бўлди. Ва шу кунгача Ислом ва мусулмонларнинг хос шиори бўлиб келмоқда.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтадилар:

Дастлаб мусулмонлар Мадинага ҳижрат қилиб келганларида намоз учун ўзларининг тахминларича масжидда тўпланишар, намоз вақтини кутиб ўтиришар, вақт кирганда эса намоз ўқир эдилар. Бирор киши намозга чақирмас эди. Одамлар бу борада маслаҳат қилиб насороларнинг зангига ўхшаш занг чалишни ёки яҳудийларнинг дудига ўхшаш дуд чалишни маслаҳат қилинган ҳоллар ҳам бўлган. Охирида Умар розияллоҳу анҳу: «Нима учун маҳаллама-маҳалла айланиб намозга чақирадиган кишини тайин қилмаймиз», дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Билал, сиз тайёр бўлинг ва намоз учун чақиринг!» дедилар.

Муттафакун алайҳ.

Анас розияллоҳу анҳунинг ўғиллари Абу Умайр ўзларининг Ансорий

амакиларининг биридан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни намозга қандай қилиб жамлаймиз, нима тадбир қиламиз», деб маслаҳат қилдилар.

Баъзилар:

«Намоз вақти бўлганида бир байроқ кўтарамиз одамларнинг нигоҳи унга тушса, бири бошқасига хабар беради», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу фикрга рози бўлмадилар.

Ровий айтади:

У зотнинг олдларида яҳудийларнинг дуди ҳам зикр қилинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У яҳудийларнинг усули ва уларнинг йўли», дедилар.

Хуллас уларнинг бирортасига розилик билдирмадилар. Кейин У зотнинг олдларида занг зикр қилинди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У насороларнинг одати ва уларнинг йўли», дедилар. Шу билан мажлис тарқалди.

Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Абду Роббиҳи ҳам қайтиб кетдилар. Лекин бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатдан ташқари ўйчанликлари у кишини ҳам кўп ўйлантириб қўйди. Бир неча кундан кейин Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳу азон ҳақида туш кўрдилар. Эрталаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, кечаси мен ярим уйқу ҳолатида эдим. Ёнимга кимдир келиб менга азон айтиб берди», деди.

Ровий айтадики, Умар розияллоҳу анҳу ҳам шундай тушни ундан аввал кўрган эдилар. Лекин у киши 20 кунгача яшириб юрдилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уни айтдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Умарга:

«Сиз нима учун илгарироқ айтмадингиз?» дедилар.

Ҳазрати Умар: «Чунки Абдуллоҳ мендан илгарироқ айтди. Шунинг учун мен айтгани ҳижолат бўлдим», дедилар.

*Абу Довуд ривояти.*

**Ёрқинжон Фозил раҳимаҳуллоҳнинг  
«Азон одоблари ва аҳкомлари» китобидан**

*Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 17 июндаги 03-07/4936-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.*